



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ АКТИВЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

**Митиллаев Иброхимжон Турсунпўлатович**

*Андижон иқтисодиёт ва қурилиши институти “Бухгалтерия ҳисоби ва банк иши” кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мазкур мақолада банк молиявий ресурсларини самарали бошқаришида кредит портфелини юритишнинг ўрни, тижорат банклари кредит портфелининг ҳолати уларнинг активлар ликвидилигига таъсири кўриб чиқилган. Таъкидот материал ва методларига кўра мавзу юзасидан бир қатор хорижий ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодчи-олимлари томонидан берилган таърифлар ҳамда фикрлари ўрганилиб, муаллиф томонидан шарҳланаб уларнинг мазмуни очиб берилган. Шунингдек мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқарии бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишилаб чиқишида, тижорат банкларида активларни бошқаршига қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишилаб чиқиши борасида таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** тижорат банки, актив, мажбурият, кредит, капитал, молиявий ресурсларни бошқарши, молиявий ресурс, банк активлари, рақамли активлар, ликвидлилик, кредит портфели, қимматли қозозлар.

Муаммоли активларнинг, жумладан, муаммоли кредитларнинг юзага келиши қўйидаги салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин:

- омонатчилар, инвесторлар ва бошқа мижозларнинг мазкур банкка бўлган ишончини йўқолиши ҳамда банк нуфузини тушиб кетиши;
- тижорат банклари харажатларининг ортиб кетиши;
- тижорат банкларининг даромад келтирувчи активларини музлатилиши;
- даромад келтирувчи банк операцияларидан келаётган фойда ҳажмининг қисқариши туфайли моддий рағбатлантиришларнинг камайиши натижасида банкнинг малакали кадрлар қўнимсизлигининг ортиши;
- банк ликвидлиги ва тўловга лаёқатлиги пасаяди;
- муаммоли активлар бўйича эҳимолий йўқотишларга қарши захира яратилган тақдирда банк даромадининг қисқариши, банк фаолиятида муҳим ўрин тутувчи бошқа қўрсаткичларнинг тушиб кетиши ва бошқалар.

Бу масалани хал қилишда биринчи навбатда муаммоли активлар моҳияти, хусусиятларини хозирги замон бозор иқтисодиёти субъектларига хос бўлган хатарлилик ва табиати билан боғлиқ ҳолда бошқариш ва таҳлил қилиш, шунингдек уларни ҳисобини юритиш ва аудит ўтказиш амалиётларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.



Бугунги кунда тижорат банкларида активларнинг муаммога айланишининг асосий сабабларига қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин:

- кредит (лизинг) ажратиш бўйича ариза берувчини дастлабки мониторингдан ўтказилмаслиги бунда асосий эътиборни мижознинг характери унинг бизнес ҳамкорлари орасидаги мавқеи, тажрибаси шу билан бирга гаровга олиниши режалаштирилаётган мол-мулкни жойига чиқган ҳолатга ўрганилмаслиги ҳамда мижознинг фаолияти билан яқиндан танишишмаслиги;
- кредит бўйими ходими мижозларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш бўйича етарли билим ва малакага эга бўлмаганлиги сабабли мижознинг молиявий аҳволини тўлиқ ва сифатли таҳлил қилинмаслиги;
- мижознинг кредит тарихи пухта ўрганилмаслиги;
- мижозларнинг фирибгарлик қилишга мойиллиги;
- мижоз фаолият олиб бораётган соҳада иқтисодий танглик ҳолатлари кузатилса;
- кредит шартномаларда мижознинг кредит ва фоиз тўлов графикларини бизнес режага мутаносиб равишда расмийлаштирилмасликлари;
- форс-мажор ҳолатлари.

Ўрганишлар ва таҳлилий маълумотлар натижасида шундай фикрга келдикки тижорат банкларининг муаммоли активларининг вужудга келишининг қатор объектив ва субъектив омиллар таъсир қиласи.

Объектив омиллар хусусида фикр юритганда, шуни таъкидлаш жоизки, бу хориж амалиётидан ҳам маълум бўлдики тижорат банкларида муаммоли активларнинг мавжуд бўлиши бу табиий жараён, албатта бундан қочиб бўлмайди, чунки иқтисодиёт ва реал секторда барча жараёнлар доимо ҳам бир текисда кетмайди. Бунга мисол сифатида рўй берган пандемияни, жаҳон молиявий-иқтисодий инқизозни, геосиёсий зиддиятлар, ўзаро урушларни келтириш мумкин. Буларнинг барчаси тижорат банклари муаммоли активларининг вужудга келишига сабаб бўладиган объектив омиллар хисобланади, уларни қайсиdir жиҳатдан тартибга солиш ёки камайтириш тижорат банкларига боғлиқ эмас.

Тижорат банкларининг муаммоли активларини вужудга келишига сабаб бўладиган субъектив омилларга тўхталадиган бўлсак, булар қаторига оператсон riskлар, банк ҳодимларининг ўз ишига маъсулятсизлиги, банк мижозларининг, асосан кредит олувчиликнинг молиявий хисоботларини зарур даражада таҳлил этмаган ҳолда қарорлар қабул қилиши, тижорат банкларининг кредит бериш бўйича қарор қилиш жараёнларига аралашувлар ва босимлар, хаддан зиёд имтиёзли кредит берилишининг юқорилиги, қарз олувчиликнинг ушбу кредитни тегишли мақсадларда ишлатмаслиги ва қатор бошқа ҳолатлар тижорат банкларида муаммоли активларни вужудга келишининг субъектив омиллари хисобланади.



Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоининг ўзгариши кредит сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи асосий қўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Лекин шунга қарамасдан, кўпгина мамлакатларда шундай қарз олувчилик синфи мавжудки, улар кредитни тўламайдиган ёмон қарз олувчилик деб аталади, чунки бундай қарз олувчилик кредитни сўндира олиш имкониятига эга бўлсада, уни сўндиришни хоҳламайдилар. Пул маблағлари билан бўладиган хатарлар кутилмаганда юзага келади, лекин мунтазам ривожланиб боради. Кредит бўлими ходимлари эҳтимолий йўқотишларга қарши турадиган биринчи тизим ҳисобланадилар. Улар юзага келаётган хатарни биринчи белгиларини сезишлари ва таҳлил қила олишлари ҳамда, унга қарши турла олишлари керак. Муаммоли кредитларнинг юзага келишига йўл қўймаслик учун кредит бўлими ходими кўйдаги омилларга эътибор қаратиши лозим:

- 1.Мижоз аризасини диққат билан ўрганиб чиқиши керак.
- 2.Мижоз тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил этиш, кредит аризасига илова қилинган зарурий ҳужжатлар ва мажбурий ҳужжатлар(қарз олувчининг молиявий ҳисоботи, кредит шартномаси, гаров шартномаси, кафиллик ва кафолат шартномалари) рўйхати.
- 3.Мижоз тақдим қўлган ҳужжатлар асосида мижознинг молиявий ҳолатини ўрганиши ва баҳолай олиш.
- 4.Мижоз томонидан тақдим этилган гаров объектини тўғри баҳолаш.
- 5.Кредит ҳужжатларини тўғри юритиши.
- 6.Кредит иши учун ким масъул эканлигини белгилаш ва ҳарбир инспекторнинг ўз иши учун жавобгар бўлиши.
- 7.Кредит устидан доимий назоратни олиб бориб, эҳтимолий йўқотишлар хавфини олдини олиш.

Тижорат банкларда муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими жуда ҳам мураккаб тизим бўлиб, унинг амал қилишига энг жиддий таъсир қиласидан омиллардан бири инсон омили ҳисобланади. Бундай вазиятлардан қочиши мақсадида банк ходимлари яширишга уринаётган ёки эътиборсиз қолдириб кетган муаммоли кредитларнинг белгиларини аниқлаш учун кредитларни даврий, мустақил ва объектив текширадиган ички аудит текширувларини ташкил этадилар. Тартибга солиш ва назорат қилиш органлари томонидан олиб борилган ишлар аҳамиятсиз қолдирилган муаммоли ссудаларни аниқлашга ёрдам беради. Кредит рискларини самарали бошқариш жараёнида банкнинг ички назорат тизими муаммоли кредитларни энг биринчи аниқловчи тизим сифатида амал қиласи.

Агарда мижоздан молиявий ҳисбот маълумотларининг олиниши асосиз равишда кечиктирилса, айниқса, кредит шартномасида талаб қилинган маълумотларни олиш даври белгиланган муддатларда олиниши шарти қўрсатилган ёки назарда тутилган бўлса номолиявий хавотир сигналлари юзага



келади ва хавотир сигналлари шундай вазиятларни англатади. Мижозлар томонидан маълумотларни кечикириш сабабларини тушунтиришга уринишнинг ўзи муаммоли кредит белгиларининг намоён бўлганини англатади. Бошқа номолиявий белгилар мижоз фаолиятида режаларнинг бирдан ўзгариши, компания раҳбарияти таркибида кутилган радикал ўзгаришларнинг содир бўлиши ёки қарз олувчи бозорида ноқулай тенденцияларнинг ривожланишидан иборат бўлиши мумкин. Юқоридаги каби у ёки бу салбий оқибатлар натижасида мижознинг молиявий ҳисботларининг кечикиш сабабларини бирма-бир банкка тушунтириб ўтириш мижознинг хоҳиши эмас албатта ва бу эса, банк ва мижознинг ўзаро алоқаларида бўлиши лозим бўлган ишонч ва ҳамкорликнинг рад этилишига сабаб сифатида баҳоланиши мумкин. Энг ёмони, мижознинг бу сабабларни очиқ ойдин тушунтиришни хоҳламаслиги қандайдир қўнгилсиз маълумотнинг яширишга ҳаракат қилаётганинг хизмат қилиши мумкин. Ва аксинча, баъзан мижоз ўзининг у ёки бу маълумотларини беришни рад этиш сабабларини рақобатчилардан ҳимояланиш мақсадида қилганлигини важ қилиб ўзини оқлаши ҳам мумкин. Муаммоли кредитларнинг молиявий ёки номолиявий белгилари мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ равища бундай белгилар банк кредит бўлими ходимини бунга тайёр туришга ундаши лозим. Уларнинг эрта пайдо бўлиши зарурий маълумотларни тўплашга ва стратегияни ишлаб чиқиша имкон беради. Кредит бўлими ходими кредит аҳволи ёмонлашаётганини сезганда:

- қарз олувчининг муаммоларини таҳлил қилиш;
- муаммоли кредитлар билан шуғулланувчи бўлим ходими ёки раҳбариятдан маслаҳат олиш;
- кредитга энг паст тавсифни беришни маслаҳат бераб, ундан банк фойдасига келадиган фоизни акс эттиришни;
- банк ушбу мижоз билан ишлаганда яна қаерда риск билан тўқнаш келиши мумкинлиги тўғрисида маълумот тўплаши лозим;
- мижоз ҳисоб рақамини доимий текшириб бориш;
- барча кредит ҳужжатларини, гаров, таъминланганлик даражасини кўриб чиқиши;
- кредит таъминланмаган бўлса, таъминотни қўлга киритиш имкониятларини ўрганиб чиқиши;
- хатоларни тузатиш меъёрларини ишлаб чиқиши лозим.

Режани ишлаб чиқишининг дастлабки босқичида уни ким бошқаришини аниқлаб олиш зарур. Айрим банклар ушбу жараённи кредит бўлимининг айнан шу кредит билан ишлаётган ходими бошқариб бориши керак деб ҳисблайди. Чунки бу ходим ўзи ишлаётган мижозини бошқаларга қараганда жуда яхши билади ёки у ишни шундай вазиятга олиб келиб қўйган экан, демак, банкни бу вазиятдан унинг ўзи олиб чиқиши лозим деган фикрда бўладилар. Хорижий мамлакат банклари эса, бундай вазиятлар учун алоҳида мустақил бўлимлар



ташкил этадилар ва бу бўлимлар мижоз билан ўзаро алоқаларга халал бермайдиган объектив усулларни ишлаб чиқади. Иккала йўналиш ҳам устунликдан кўра кўпроқ камчиликларга эга. Муаммоли кредитлар билан ишлаш кўп вақтни ва йўқотишларни талаб қиласди. Бозорни яхши биладиган банк ходими томонидан муаммоли кредитни тиклашга сарфланадиган вақт янги кредитларни беришга сарфланиши мумкин бўларди. Иккинчи томондан, банкнинг маҳсус бўлими ходимлари ўзларининг қимматли вақтларини мижоз ишлайдиган компания ва тармоқни ўрганишга сарфлашларига тўғри келади.

Бу ерда қандайдир универсал қоида мавжуд эмас, ҳар бир муаммоли кредит қанчалик ўзининг ноёб хусусиятига эга бўлмасин, у билан ишлашнинг шунчалик кенгайган қўйидаги йўллари мавжуд:

- қарздорлик структурасининг ўзариш дастурини ишлаб чиқиш;
- қўшимча гаров ва ҳужжатларни олиш;
- қўшимча таъминотни ушлаб туриш;
- қўшимча маблағлар қўйилмаси;
- бошқа активларни сотиш;
- кафилга мурожаат қилиш;
- ҳаражатларни қисқартириш дастурини ишлаб чиқиш ва.х.казо.

Катта миқдордаги реал мавжуд муаммоли ссудалар активларни таснифлаш, кредитлар бўйича заҳиралар ташкил қилиш, муаммоли кредитлар ҳисобини юритиш ва кредитларни ҳисобдан чиқариш каби чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Шу билан бирга тижорат банкларида "олтин қоида" сифатида эътироф этиладиган банк активлари муддати ва суммаси унинг пассивлари муддати ва суммасига мос келиши лозим. Бу эса банкларда ҳар доим ҳам кузатилмайди. Шунинг учун банклар активлар ва пассивлар таркибини доимо таҳлил этиши уларнинг олдидағи ликвидлик муаммоси юзага келишининг олдини олади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ри Фармони.
2. Basel Committee on Banking Supervision. (2021). Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring. Switzerland: Bank for International Settlements
3. Азрилияна А. Большой экономический словарь. М.: Институт новой экономики, 1999. - 852 с.
4. Б.Б.Бабаев “Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использование”. Диис. На соиск уч. ст. к.э.н.-Т.: БФА.,2002.
5. Ш.Абдуллаева, Т.Каралиев ва У.Ортиков. « Банк ресурслари ва уларни



бошқариш» Тошкент. Иктисад-Молия, 2009йил. Б-48-49.

6. Обиджонов Ж., Азизов У. Молиялаштиришни такомиллаштириш йўлида //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2000. -№4. –Б.12-14.; Симановский А.Ю. Достаточность банковского капитала //Деньги и кредит. –Москва, 2000. -№6. –С. 20-23.; Косован К.С. Управление ресурсами в коммерческом банке //Деньги и кредит. –Москва, 2001. -№6. –С.32-36.; Мурычев А.В. О путях укрепления ресурсной базы российских коммерческих банков //Деньги и кредит. –Москва, 2003. –№11.–С.48-52.; Наврузов А. Путы повышения эффективности использования ресурсной базы коммерческих банков //Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2002. -№ 9-10.– С.10-12.; Розуколов У.У. Анализ надежности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости. Автореферат на соиск. учен. степ. к.э.н. –Ташкент: БФА, 2002. - 21 с. ва ҳоказо.

7. Банковская дело. Под редакции О.И. Лаврушина М.Фин. и статистика. 1998. с.68.

8. Абдуллаева Ш. Пул ва банклар. –Т.; 2010.

9. Омонов А.А Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Монография. “Фан ва технологиялари”, 2010 йил, 43 бет.

10. Избосаров Б.Б. Рақамли иқтисодиётда тижорат банклари ликвидилигини тартибга солиш. Иқтисодиёт фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2019, ТМИ, 30 б.

11. Basel Committee on Banking Supervision: Basel III: The Liquidity Coverage Ratio and liquidity risk monitoring tools, January 2013, p. 2.

12. Эгамова М.Э. Тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишда даромаднинг роли. Иқтисодиёт фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2019, ТМИ, 30 б.

13. Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2017, ТМИ, 26 б.

14. Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари (PhD) бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. –Т.: 2017, ТМИ, 12 б.

15. Омонов А.А. Банклар ва банкларда ҳисоб. –Т.: «Akademiya». 2006. Ўқув қўлланма, 1-нашри. (122) 92 бет.

16. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. и.ф.д. илм. даража. олиш учун баж. диссертацияси. –Т.: 2008, БМА, 21-22 б.



17. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. и.ф.д. илм. даража. олиш учун баж. дис. авт. –Т.: 2008, БМА, 36 б.
18. Ортиков Уйгун Давлатович Ташкент Молия институти Замонавий шароитда тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш зарурлиги ва унинг банк фаолиятида тутган ўрни мақола 3 бет.
19. Постановлении Президента Республики Узбекистан от 12 сентября 2017 года № ПП-3270 «О мерах по дальнейшему развитию и повышению устойчивости банковской системы Республики».
20. Дробозина Л.А. “Финансы. Денежное обращение. Кредит.” М.:ЮНИТИ, 2011 й. 329 б.
21. The official website of the Basel Committee of the Basel III: international regulatory framework for banks <https://www.bis.org/BCBS/>
22. Батракова Л.Г. “Анализ процентной политики коммерческого банка”, Москва “Логос”, 2012. – С. 39.
23. Абдуллаева С. «Кредит и практика кредитования». -Т.: Экономика и финансы, -Б. 225-228. 2017г.
24. Тухтабаев У.А. Проблемные кредиты и пути их устранения. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Т, 2006 г.
25. Эдвин Дж. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – СПб.: “Санкт Петербург Оркестр”, 2013. – С. 93-95. 8. Миллер Л.Р. Современные деньги и банковское дело. – М.: Инфра-М, 2010. – С. 432.